


Озод  
Мўъмин  
Хўжа



*Шайх*

# ЗАЙНИДДИН ТОШКАНДИЙ —

ОЛИМ ВА ВАЛИЙ



ТАРИХИЙ ВОКЕАНОМАЛАР

ОЗОД МУЪМИН ХЎЖА

**ШАЙХ ЗАЙНИДДИН  
ТОШКАНДИЙ –  
ОЛИМ ВА ВАЛИЙ**

*(1164 – 1259 йй.)*

*(тарихий воқеаномалар)*



Тошкент  
2018

УЎК 94(575.1-25)

КБК 63.3(5Ў)

М 99

*Халқимиз “Кўкча” масжидини ва унга туташ қабристон ва зиёратгоҳни яхши билади. Лекин кўпчилигимиз халқ тилидаги “Кўкча” масжиди Шайх Зайниддин номида эканини, бу улуг зот аслида ким бўлганини, қаердан келганини, кимлардан таълим олганини билмаймиз. Озод Мўъмин Хўжа қаламига мансуб “Шайх Зайниддин Тошкандий – олим ва валий” китобини ўқиган киши мазкур саволларга тўлиқ жавоб топади.*

Мўъмин Хўжа, Озод.

**Шайх Зайниддин Тошкандий – олим ва валий** [Матн]  
/О. Мўъмин Хўжа. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. – 128 б.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 26  
январдаги 495-сонли ҳулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-508-7

© Озод Мўъмин Хўжа,  
© “Movarounnahr”, 2018

*Ушбу асаримни дадажоним,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат  
МЎМИН (1922-2004 йй.)  
хотирасига бағишлайман.*

**ШАЙХ ЗАЙНИДДИН  
ТОШКАНДИЙ –  
ОЛИМ ВА ВАЛИЙ**

(1164 – 1259 йй.)

(тарихий воқеаномалар)

\* \* \* \* \*

Ватанимиз тарихи очилмаган хазина. Халқимиз ўтмишида Ислом дини учун улкан хизматлар қилган мутафаккир уламолар, тасаввуф тариқатини юксалтирган намоёндалар жуда мўл. Уларни замондошларимизга таништириш, олиб борган фаолиятларини турли рисоалар, асарлар ва мақолалар орқали тушунтириш ҳар бир ижодкорнинг муқаддас бурчидир. Зеро, бундай хатти-ҳаракатларни Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам қўллаб-қувватлашга чақирмоқдалар. Чунончи, бир неча ой илгари, у зот бобокалонимиз Имом Абу Исо ат-Термизийнинг ҳаёт фаолиятини, ёзган асарларини кенг ёритишга чақириб, “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” махсус қарор чиқарган бўлсалар, яқиндагина «Абдуҳолик Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида» фармойиш чиқардилар. Бу ҳолат халқимиз раҳбари қалбида тарихимизда ўтган буюк

олимлар ва валийларга улкан ҳурмат мавжуд эканлигини кўрсатади.

Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний Тошкандий ҳам юқорида номлари келтирилган зотлардек катта эъзозга лойиқ валийлардандир. Бу буюк зот ҳақида шу вақтгача Ўзбек адабиётида ҳеч қандай бадиий асар яратилмаган. Фақат, турли йилларда эълон қилинган мақолалар, эсдаликлар мавжуд холос.

Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу асар ҳажман катта эмас, аммо унинг ёзилишига кўп вақт кетди. Чунки, тарихий асар, айниқса валийлар ҳаётига аталган бўлса, битиш осон эмас. Жуда кўп адабиётни, тарихий фактларни ўрганишга, уларни бошқа ахборотлар билан таққослашга ва энг ҳақиқатга яқин хулосалар чиқаришга тўғри келади. Хуллас, катта ақлий-манتيқий меҳнат сарфлаш лозим. Бундан ташқари, асар тайёр бўлгач, унинг ичидаги беихтиёр қилинган хатоларни аниқлаш учун экспертларга бериш лозим. Сўнг, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ниятида яна мушоҳада, яна изланиш оламига кириш керак. Бундай ижод – детектив, криминал ёки қайнона-келин можароларини ёзишдан минг бора мушкул. Аммо, бу ишингиз Яратганнинг розилигига сабабчи бўлишига ишонсангиз, вазифангизни бажариб, ижодингизни ўқувчиларга ҳавола эта олсангиз, барча қийинчиликлар унтилади.

Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида маҳобатли Шайх Зайниддин Кўйи Орифоний Тошкандий номидаги масжид ва бу улуғ зотнинг мақбараси жойлашга қабристон мавжуд. Бу маскан тахминан 700 йиллик тарихга эга. Тарихий маълумотларга қараганда, валийнинг мақбараси бобомиз Буюк Амир Темурнинг буйруғига кўра тикланган. Чунки, соҳибқирон ҳам бу буюк зотнинг юртимиздаги фаолияти, қилган ишлари ва халқимизга етказган илму урфони беқиёслигини яхши билган.

Юқорида эслатиб ўтганимдек, адабиётимизда Шайх Зайниддин Тошкандийнинг ҳаёти ёритилган бирон бир асар йўқ. Сабаби, назаримда, бундай тарихий рисола ёзишнинг мушкуллигида бўлса керак. Аммо, бунга қарамай, мен бу зотнинг ҳаёт тарихини ўрганиб, фаолиятини тадқиқ қилиб, унинг ҳақида бадиий асар яратишга жазм қилдим.

*Муаллиф.*

## СЎЗБОШИ

### **Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.**

Алҳамдулиллоҳ, вассалоту вассалому аъла Росулиллаҳ!  
Алҳамдулиллаҳ, мустақиллигимиз шарофатидан маънавий  
илдизларимиз чуқур эканлигини англаб етмоқдамиз. Буюк  
тарихимиз, мусаффо динимиз, мумтоз адабиётимиз  
халқимизга адибларимиз, олимларимизнинг саъй-  
ҳаракатлари, машаққатли илмий изланишлари натижасида  
етказилмоқда.

Физика-математика фанлари номзоди, серқирра  
ижодкор Озод Мўъмин Хўжа ўзининг фантастик ва  
тарихий йўналишдаги бир неча асарлари билан халқимизга  
таниш. Айниқса, “Ҳазрат Сайид Амир Кулол”, “Хўжа  
Муҳаммад Паррон” номли тарихий воқеаномалари алоҳида  
изланишлар самарасидир. Муаллифнинг нашрга  
тайёрлаган “Шайх Зайниддин Тошкандий – олим ва валий”  
номли тарихий рисоласи ҳам шу йўналишдадир.

XII-XIII асрларда яшаб ўтган диний ва дунёвий илмлар  
соҳиби, кўплаб муридларни тарбия этган Шайх Зайниддин  
Кўйи Орифоний Тошкандий ҳазратлари бутун умрлари  
давомида замондошларини тўғрилиққа ҳалоллиққа  
ундаганлар. Афсуски, Шайх Зайниддин бобонинг ибратли  
ҳаётлари, битган ҳикматлари тўғрисида маълумотлар жуда  
оз бўлиб, тизимга солинган манбанинг ўзи йўқ эди.

Юртимизда етишиб чиққан алломалар, валий зотларга  
ўзгача эътимод қилиб келган Озод Мўъмин Хўжа бу борада  
кўпгина изланишларга қўл уриб, Шайх Зайниддин  
ҳазратлари тўғрисида қимматли маълумотларни жамлаган.

Тўпланган маълумотларни моҳирлик билан тизимлаштириб, тарихий воқеаномалар шаклидаги бадиий асар ҳолатига келтирган. Бундай услуб ўқувчига образлаштирилган тарихий воқеликни завқ билан ўқишга ёрдам беради. Шунингдек, муаллиф асарда соҳиби ҳикмат зотларнинг панд-насихатларини ҳар бир мавзу олдида пешлавҳа сифатида келтирган. Уларнинг бири қуйидагичади: “Икки жаҳоннинг шарри, яъни ёмонлиги кўп-мол-дунё иташдандир, хайри-яхшилиги эса Аллоҳнинг берганига рози бўлишдандир” (Шайх Абу Бакр Термизий).

Озод Мўъмин Хўжанинг “Шайх Зайниддин Тошкандий – олим ва валий” китобини нашрга тавсия этган ҳолда, умид қиламизки ушбу зот ҳақидаги рисола халқимизга, хусусан ёш авлодга аجدодларимизни янада комилроқ танитади, уларнинг бой илмий меросларини ўрганишга ёрдам беради.

**Анвар қори Турсунов,  
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби**



*Мен мартабани улуғларнинг  
зиёратига бориши билан топдим.*

**Шайх Аҳмад Ҳадравий**

## **КИРИШ**

**2009 йил, 9 май. Тошкент.**

Ҳақиқатдан ҳам инсон ўтган азиз-авлиёларнинг қадамжоларини зиёрат қилиб турса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Шунинг учун, мен вақти-вақти билан ушбу амални бажо этиб тураман. Шу йили, ўтганларни хотирлаш ва қадрлаш кунда Тошкентнинг Кўкча даҳасида жойлашган, улуғ валийларимиздан Шайх Зайниддин бобонинг мақбараларига бордим.

У ерга қадам ранжида қилар эканман, рўпарамдан, шу маскан мутассадиси Озод Султонмуродов чиқиб қолди.

– Кеча сизнинг устозингиз келиб кетди! – деди у дабдурустан.

Мен ҳайрон бўлдим:

– Қанақа устозим?

У бир зум четга қаради-да, менга ўгирилиб узр сўради.

– Кечирасиз! Бошқа одам билан янглиштирибман. Сиз, айтгандай ёзувчисиз-ку! Келмаганингизга ярим йил бўлиб қолди!

Бу гап тўғри эди. Мен ўшанда бу инсон билан суҳбатлашгандим. Ва унга ўзимнинг фалсафий асарим – “Ваҳдат ул-ҳақойиқ” китобчасини совға қилгандим.

– Рисолангизда баён этилган фикрларингиз ёкди, – деди у. – Ҳозир қандай асар ёзаяпсиз? Ижодингиз қалай кетаяпти?

– Кўнгилдагидек эмас. Кўп ёза олмаяпман. Асосий вақтим тирикчилик ишларига кетиб қолаяпти.

– Мени сизга айтадиган гапим бор эди. Мана, бу столнинг устига қаранг, бу ерда зиёратчиларга кўрсатиш учун Шайх Зайниддин бобо ҳақида фақат биргина китобча бор. Уни ҳам, ўзим, бу азиз зот ҳақида матбуотда чиққан барча мақолаларни жамлаб, нашр этдирганман. Бошқа, кўзга ташланадиган ҳеч бир рисола йўқ!

– Наҳотки? – сўрадим мен.

– Ҳа! Сиз ёзувчилар қаёқдаги турмуш икир-чикирларини, ҳаётда рўй бермайдиган, инсон маънавиятига ижобий таъсир кўрсата олмайдиган асарлар битасиз. Уларни китоб қилиб чиқарасиз, киноларга айлантirasиз. Кейин, мақтаниб юрасиз. Мукофотлар, унвонлар талашасиз.

– Ҳамма ҳам бундай эмас! – жавоб бердим.

– Унда қани бошқалар? Тарихимиздаги буюк сиймолар ҳаётини ким ёзади? Шундай мард борми? Ҳақиқий ёзувчи ўз халқини улуғлайди, тарихида ўтган зотларнинг қандай бўлганликларини кўрсатади!

– Мен буни биламан... – дедим ожизона, бундай ҳужумдан эсанкираб.

– Билсангиз, ёзинг! Нима қилиб юрибсиз? Китоб қилиб чиқаринг. Одамлар ўқисин, танишсин. Ўргансин. Маънавияти юксалсин. Билиб қўйингки, Шайх Зайниддин бобонинг ҳаёти ва ишлари шу қадар ажойиб бўлганки, кўпчилик буни билмайди. У зот жуда кучли астроном олим



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4622> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4622> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4622>